



ISSN 2181-9297

Doi Journal 10.26739/2181-9297

**СЎЗ САНЪАТИ
ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ**

**МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ
ИСКУССТВО СЛОВА**

**INTERNATIONAL JOURNAL
OF WORD ART**

№5 (2019)



TOSHKENT-2019

Бош муҳаррир:
Холбеков Муҳаммаджон
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Главный редактор:
Холбеков Мухаммаджон
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Editor in Chief:
Kholbekov Muhammadjan
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Бош муҳаррир ўринбосари:
Тўхтасинов Илҳом
ф.ф.д., доцент (Ўзбекистон)

Заместитель главного редактора:
Тухтасинов Илхом
к.ф.н., доцент (Узбекистан)

Deputy Chief Editor
Tuhtasinov Ithom
Ph.D. Ass. Prof. (Uzbekistan)

Таҳрир ҳайъати:

Редакционная коллегия:

Editorial Board:

Назаров Бахтиёр
академик. (Ўзбекистон)

Назаров Бахтиёр
академик. (Узбекистан)

Bakhtiyor Nazarov
academician. (Uzbekistan)

Якуб Умарўғли
ф.ф.д., профессор (Туркия)

Якуб Умар оглы
д.ф.н., профессор (Туркия)

Yakub Umarogli
Doc. of philol. scien., prof. (Turkey)

Алмаз Улви Биннатова
ф.ф.д., профессор (Озарбайжон)

Алмаз Улви Биннатова
д.ф.н., профессор (Азербайджан)

Almaz Ulvi Binnatova
Doc. of philol. scien., prof. (Azerbaijan)

Боқиева Гуландом
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Бакиева Гуландом
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Bakieva Gulandom
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Миннуллин Ким
ф.ф.д., профессор (Татаристон)

Миннуллин Ким
д.ф.н., профессор (Татарстан)

Minnulin Kim
Doc. of philol. scien., prof. (Tatarstan)

Махмудов Низомиддин
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Махмудов Низомиддин
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Mahmudov Nizomiddin
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Керимов Исмаил
ф.ф.д., профессор (Россия)

Керимов Исмаил
д.ф.н., профессор (Россия)

Kerimov Ismail
Doc. of philol. scien., prof. (Russia)

Жўраев Маматкул
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Джураев Маматкул
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Juraev Mamatkul
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Куренов Рахиммамед
к.ф.н. (Туркменистон)

Куренов Рахыммамед
к.ф.н. (Туркменистан)

Kurenov Rakhimmamed
Ph.D. Ass. Prof. (Turkmenistan)

Кристофер Жеймс Форт
Мичиган университети (АҚШ)

Кристофер Джеймс Форт
Университет Мичигана (США)

Christopher James Fort
University of Michigan (USA)

Умархўжаев Мухтор
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Умархаджаев Мухтар
д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Umarkhodjaev Mukhtar
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Мирзаев Ибодулло
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Мирзаев Ибодулло
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Mirzaev Ibodulla
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Болтабоев Ҳамидулла
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Балтабаев Ҳамидулла
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Boltaboev Hamidulla
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Дўстмухаммедов Хуршид
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Дустмухаммедов Хуршид
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Dustmuhammedov Khurshid
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Лиходзиевский А.С.
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Лиходзиевский А.С.
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Lixodzievsky A.S.
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Сиддиқова Ирода
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Сиддикова Ирода
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Siddiqova Iroda
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Шиукашвили Тамар
ф.ф.д. (Грузия)

Шиукашвили Тамар
д.ф.н. (Грузия)

Shiukashvili Tamar
Doc. of philol. scien. (Georgia)

Юсупов Ойбек
масъул котиб, доцент
(Ўзбекистон)

Юсупов Ойбек
доцент (Узбекистан)
отв. секретарь

Yusupov Oybek
Ass. prof. (Uzbekistan) - Senior
Secretary

Pagemaker | Верстка | Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амир Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

Тилшунослик / Языкознание / Linguistics

- 1.Карабаева Б.Б.**
КОГНИТИВ ТИЛШУНОСЛИК ЙЎНАЛИШЛАРИНИНГ ИЛМИЙ
НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....5
- 2.Мавлонов О.А.**
ЎЗБЕКИСТОНДА ТЕОЛИНГВИСТИКА.....11
- 3.Маннонова С.А.**
РАСМИЙ ХАТЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ ВА
СУБЖАНРЛАРИ.....19
- 4.Мўминова Д.А.**
ДЕЙКСИСНИНГ АСОСИЙ ХУСУСИЯТИ.....26
- 5.Тоирова Д.Ф.**
ЭМИЛЬ ЗОЛЯНИНГ АСАРЛАРИДА КУНЛИК ФАОЛИЯТНИ ТАҲЛИЛ
ЭТИШ.....38
- 6.Shukurova B.B.**
NAZAR ESHONQUL NI KOYALARIDA KONTRAST USULINING
AN'ANAVIY VA ZAMONAVIY ASPEKTLARI.....45

Адабиётшунослик / Литературоведение / Literary criticism

- 7.Жуманова Д.Қ.**
МУМТОЗ ҲАЗАЛЛАР ТАҲЛИЛИ ВА ТАЛҚИНИ.....52
- 8.Назаров С.Ҳ.**
Й.В.ГЁТЕ "ФАУСТ" АСАРИДА КОНЦЕПТУАЛ МЕТАФОРА ТАҲЛИЛИ.....58
- 9.Шофиев О.**
ЎЗ МУҲИТИГА СИФМАГАН ОДАМ ОБРАЗИ (Эркин Аъзам ижоди мисолида)..66
- 10.Юлдашева Д.М.**
СИНТАКТИК ТАКРОРЛАРНИНГ БАДИИЙ- ЭСТЕТИК ИМКОНИЯТЛАРИ..75

Таржимашунослик / Переводоведение / Translation Studies

- 11.Муҳамедов Х.А.**
ЎЗБЕКИСТОНДА ТАРЖИМА НАЗАРИЯСИНИНГ ФАН СИФАТИДА
ШАКЛЛАНИШИ (ҲАЙБУЛЛА САЛОМОВНИНГ "ТИЛ ВА ТАРЖИМА"
МОНОГРАФИЯСИ МИСОЛИДА).....81

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT


12. Гулямова Г.Я. БАДИЙ МАТН ТАРЖИМАСИДА ТРАНСФОРМАЦИОН МЕТОД ХУСУСИЯТИ.....	87
13. Мирзаахмедова М.Й. ТАРЖИМА ИЛМИ МАСАЛАСИ ЮЗАСИДАН ФИКРЛАР.....	94
14. Улмасбаева М.А. КОГНИТИВНЫЙ АНАЛИЗ НАЦИОНАЛЬНОГО КОЛОРИТА В ХУДОЖЕСТВЕННОМ ПЕРЕВОДЕ.....	105
Санъат ва журналистика/ Искусство и Журналистика / Arts and Journalism	
15. Музаффарова С.Х. МИЛЛИЙ ЭСТРАДА САНЪАТИ ТАРАҚҚИЁТИДА СЎЗ, МУСИҚА ВА ИЖРО УЙҒУНЛИГИ МАСАЛАЛАРИ (шоир, бастакор ва хонанда ҳамкорлиги мисолида).....	113
16. Мусаева Н.А. ХИТОЙ МАТБУОТИДА ЎЗБЕК-ХИТОЙ МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ЁРИТИЛИШИ ("БИР МАКОН, БИР ЙЎЛ" ЛОЙИҲАСИ АСОСИДА).....	118
17. Ходжиматова М.К. СЎЗ САНЪАТИНИНГ МАЪНАВИЙ ҚУДРАТИ.....	123
18. Ибрагимова У. ЖОНЛИ СЎЗНИНГ САҲНАВИЙ ИФОДАВИЙЛИГИ.....	129
Лингводидактика ва методика/ Лингводидактика и методика/ Linguodidactics and methodology	
19. Зоирова Д.А. ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА КОММУНИКАТИВ-КУМУЛЯТИВ МЕТОД АСОСИДА ИНГЛИЗ ТИЛИНИ САМАРАЛИ ЎҚИТИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ.....	135
20. Иканова Л.С. БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИДА ОНА ТИЛИДАГИ МАТНЛАРНИ ЎҚИБ ТУШУНИШ КЎНИКМАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ.....	145
21. Хасанова Д.К. ХАЛҚАРО PIRLS БАҲОЛАШ ДАСТУРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АСОСИДА ЎҚИШ ВА ЁЗУВ САВОДХОНЛИГИНИ ОШИРИ.....	152
22. Имамова У.М. ЧЕТ ТИЛЛАРНИ ЎРГАНИШДА АКМЕОЛОГИК ЁНДАШУВЛАР ТЕХНОЛОГИЯСИ.....	162

СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ
МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА
INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

Лингводидактика ва методика/ Лингводидактика и методика/ Linguodidactics and methodology

Зоирова Дилсўз Абдужалиловна,
Тошкент давлат юридик университети ўқитувчиси

ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА КОММУНИКАТИВ-КУМУЛЯТИВ
МЕТОД АСОСИДА ИНГЛИЗ ТИЛИНИ САМАРАЛИ
ЎҚИТИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2019-5-19>

АННОТАЦИЯ

Бугунги кунда фаннинг ва ижтимоий соҳанинг турли тармоқларида фаолият юритаётган замонавий кадрларнинг асосий хусусияти, бир неча хорижий тилларни мукамал билиш, ахборот коммуникация технологияларидан фойдалана олиш кўринишида тобора такомиллашиб бормоқда. Модомики, турли ижтимоий ва дидактик мақомдаги тилларни ўргатиш методикалари ягона ном билан юритилар экан, демак, бу методларнинг умумий (универсал) жиҳатлари мавжудлигига ишора қилинмоқда.

Ҳар учала тилда ҳам, тилчиларга аёнки, нутқий фаолият ўрганилади ва лисоний билимлар ўзлаштирилади. Нутқ малакалари ва тил кўникмаларини ўргатиш бўйича ушбу тилларнинг ўқув дастурлари талабларида, биринчи навбатда, миқдорий фарқланиш кузатилади, албатта. Лингводидактикада коммуникатив - кумулятив метод шаклланган ва концептуал янгилаштирилган даври десак, муболаға бўлмайди. Мазкур мақолада биз таълим жараёнида коммуникатив-кумулятив метод асосида инглиз тилини самарали ўқитишнинг замонавий технологиялари таҳлил қиламиз.

Калит сўзлар: коммуникатив-кумулятив методика, тил функциси, ментал тизим, минимум, ўқитиш тамойиллари, ёндашув, ўқитиш методи ва усуллари, компетенция.

Зоирова Дилсўз Абдужалиловна,
Преподаватель Ташкентского
государственного юридического университета

ЭФФЕКТИВНОЕ ОБУЧЕНИЕ АНГЛИЙСКОМУ ЯЗЫКУ НА

ОСНОВЕ КОММУНИКАТИВНОГО-КУМУЛЯТИВНОГО МЕТОДА В ПРОЦЕССЕ ОБРАЗОВАНИЕ ИСПОЛЬЗУЯ СОВРЕМЕННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ

АННОТАЦИЯ

В настоящее время все большую популярность приобретают культуроведчески-ориентированные подходы, нацеленные на соизучение языка и культуры, которые и обуславливают введение в научный оборот методики обучения иностранному языку соответствующие компетенции (например, социокультурная, межкультурная коммуникативно-когнитивная, лингвокультурологическая). Обобщающей моделью этих компетенций выступает культуроведческая компетенция, которая способствует вторичной социализации личности.

Активное развитие и внедрение культуроведчески-ориентированных подходов в учебный процесс за последние годы обусловлено необходимостью изучения культурного компонента в номинативно-функциональном плане, т.е. соизучение языка и культуры как средству общения и приобщения к национальной культуре, как процессу и результату вторичной социализации личности. В этом плане особый интерес представляет коммуникативно-кумулятивная методика соизучения языка и культуры. В статье анализируется эффективное обучение английскому языку на основе коммуникативного-кумулятивного метода в процессе образование используя современные технологии.

Ключевые слова: коммуникативно-кумулятивная методика, функции языка, ментальные структуры, минимум, принципы обучения, подход, метод и приемы обучения, компетенция.

Zoirova Dilsuz Abdujalilovna,
Lecturer at The Tashkent State Law University

EFFECTIVE TEACHING OF THE ENGLISH LANGUAGE BASED ON THE COMMUNICATIVE-CUMULATIVE METHOD IN THE PROCESS OF EDUCATION USING MODERN TECHNOLOGIES

ANNOTATION

At present, culture-oriented approaches aimed at co-learning the language and culture are gaining more and more popularity, which determine the introduction of the relevant competencies into the scientific circulation of teaching a foreign language (for example, sociocultural, intercultural communicative-cognitive, linguocultural). A generalizing model of these competencies is cultural competence, which contributes to the secondary socialization of the individual.

The active development and implementation of culture-oriented approaches in the educational process in recent years is due to the need to study the cultural component in a nominative functional way, i.e. co-study of language and culture as a means of communication and familiarization with national culture, as a process and result of secondary socialization of a person. In this regard, the communicative-cumulative methodology of co-learning the language and culture is of particular interest. The article

analyzes the effective teaching of the English language based on the communicative-cumulative method in the process of education using modern technology.

Key words: communicative-cumulative technique, language functions, mental structures, minimum, and principles of teaching, approach, teaching method and techniques, competence.

Биз ҳар томонлама ривожланган, маънавий ва маданий дунёси бой, жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнига эга, замон талаблари билан ҳамнафас яшайдиган юрт ва келажак қуриш йўлидан бормоқдамиз. Ушбу йўлнинг энг олий мақсади Ватан келажаги бўлган баркамол ёшларни камол топтиришни ташкил этади.

Бугунги кунда фаннинг ва ижтимоий соҳанинг турли тармоқларида фаолият юритаётган замонавий кадрларнинг асосий хусусияти, бир неча хорижий тилларни мукамал билиш, ахборот коммуникация технологияларидан фойдалана олиш кўринишида тобора такомиллашиб бормоқда.

Жаҳон тажрибаси асосида мамлакатимизда таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш жараёни бугунги кунда шиддат билан амалга оширилмоқда, бунга мисол қилиб Президентимиз Ш.Мирзиёев томонидан қабул қилинган ПҚ-2909, ПҚ-3151, ПҚ-3775 қарорларини келтириш мумкин, шу жумладан чет тилларни ўргатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарор бу борада амалга оширилаётган ишларга қаратилган муҳим қадам бўлиб, замонавий педагогик ва ахборот - коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда, ўқитишнинг илғор услубларини жорий этиш йўли билан ўсиб келаётган ёш авлодни чет тилларга ўқитиш, шу тилларда эркин сўзлаша оладиган мутахассислар тизимини тубдан такомиллаштириш ҳамда бунинг негизида уларнинг жаҳон цивилизацияси ютуқлари ҳамда дунё ахборот ресурсларидан кенг кўламда фойдаланишлари, халқаро ҳамкорлик ва мулоқотни ривожлантиришлари учун шарт-шароит ва имкониятлар яратишни мақсад қилиб олди.

Ўқитувчи ёш авлод келажагини маълум маънода ўз қўлига олар экан, унга бир дарснинг ўзида илму камолотдан, маънавий, маданиятдан сабоқ беради. Бу соҳада янги педагогик технологияларни излаб топиб, маълум мураккабликка эга мавзуларни осон тушинтириаш ва ўқитиш усуллари жорий этиш ҳар бир ўқитувчи фаолиятининг маъно-мазмунини ташкил этади.

Ҳусусан, жаҳон миқёсида эътироф этилган, Европа Кенгашининг "чет тилни эгаллашнинг умумевропа компетенциялари: ўрганиш, ўқитиш ва баҳолаш" тўғрисидаги ҳужжатнинг айрим маълумотларидан фойдаланилган ҳолда, барча узлуксиз таълим босқичлари учун Давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари янгидан ишлаб чиқилди.

Бугунги кунда таълим муассасаларида инглиз тилини ўқитишга энг самарали методлар, ёндашувлар, усуллар, чет тил ўрганувчилар ёшига мос ўқитишнинг муқобил технологияларини танлаш ҳамда ишлаб чиқиш муҳимдир. Чунки таълим соҳасида ислохотларнинг зарурлиги жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий талабларига боғлиқ равишда келиб чиқмоқда. Мамлакатимиздаги ижтимоий, сиёсий ўзгаришлар таълимнинг умумжаҳон таълим тизимига интеграция бўлишио чет тиллар таълими тизимини модернизациялаш вазифасинини янада долзарблигини намоён қилади.

"Метод" тушунчасига доир таълимшунослик ўқитишни умумий назарияси сифатида ушбу атама кенг қўлланиладиган фандир.[6] Дидактлар "Метод" терминини билиш, малака, кўникмани эгаллаш, ўқитувчиларда дунёқарашини

шакллантириш ва билиш имкониятларини яратиш йўлидаги муаллим ва талабанинг иш усули маъносида изоҳлайдилар. Фан асосларини ўргатадигани ўқув предметлари учун мўлжалланган таълимнинг умумий методлари ишлаб чиқилган. О`қув предметининг хусусиятлари ҳисобга олиниб, методикада чет тили ўқитиш методлари яратилган. Чет тил ўқитишда методларни тадбиқ этиш узоқ даврлардан бошланган.[5] Чет тил ўқитиш методикасида "Метод" термини асосан 3 маънони билдиради.

Биринчидан, методика тарихидаги бутун бир йўналиш (таржима методи, тўғри метод, қиёсий метод, аралаш метод);

Иккинчидан, юқоридаги йўналиш таркибига кирувчи ўқитиш системаси; Учинчидан, муаллим ва ўқувчиларнинг ўзаро боғланган фаолияти усули. (Танишиш, машқ қилиш ва қўллаш методлари). Чет тил ўқитиш тарихида биринчи ва иккинчи методлар "тарихий" методлар номи билан, учинчиси "жараёни ифодалаш" методлари термини билан юритилади. [4]Тарихан методлар тўрт гуруҳга бирлаштирилиб, уларнинг номларига "таржима", "тўғри (ёки таржимасиз)", "қиёсий ", "аралаш" сўзларини аниқловчи сифатида қўшиб айтилади, шундай қилиб, чет тил ўқитишнинг бир неча асрлик тарихидаги барча методлар тўрт тоифага тўпланган. Уларнинг ҳар бирини қисқача таҳлил қилиш талаб этилади, чунки биринчи методикада уларнинг айрим хусусиятлари муайян шаклда қўлланилмоқда.

Метод терминини ифодалашнинг яна бир тури чет тил ўқитиш жараёнида амалий фойдаланиладиган методлардир. Улар учта:

- 1) танишиш
- 2) машқ қилиш
- 3) қўллаш

Ушбу уч атамани методик тадқиқотларда турли номлар билан юритиб келинди. Кўпчилик тан олган ва ўқитишда бевосита мушоҳада қилиш мумкин бўлган мазкур методлар ўқувчи нуктаи назаридан номланган. О`қувчининг чет тили ўрганишдаги вазифаси ўқув материали билан танишиш, кўникма ва малака ҳосил қилиш мақсадида машқ қилиш ҳамда ўз фикрини баён этиш чоғида, яъни нутқий мулоқотда тилдан фойдаланишдан иборат. Ҳар бир методнинг ўзига хос хусусиятлари бор.

Танишиш ўқув материални ўрганишдаги биринчи қоидадир. Тил бирлигини ўрганишга киришилари экан,[3] ўқувчи унинг шаклини (товуш томонини оғзаки нутқда аниқ равшан кўрсатиш ёки график тили сонини ёзма матндан кўриб ўқий олиш), маънони (предмет ходиса ҳаракат билан фикран боғлаш) ва қўлланилиши (бошқа бирликлар билан қўшилиши, қандай ҳолатда ишлатилиши) билан танишади. Шакл, маъно ва қўлланиш ҳар бир лексик ёки грамматик бирликда ўрганиладиган уч томондир. Улар билан танишиш ўқув бирлигини ўзлаштиришнинг бошланиши демакдир. Ушбу бирлик хотирада сақланишнинг асосий шартларидан бири уни эшитиш ва кўриш сезгилари ёрдамида идрок қилишдир. Шу пайтда тил бирлиги машқ қилиш босқичидан ўтади.

Машқ қилиш йўли билан ўрганилаётган тил ҳодисалари мустахкамланади, уларга оид динамик стереотип шаклланади. Ушбу динамик стереотип нутқ жараёнида операция мақомида ишга тушади. Машқ қилишда машқлар миқдори ва сифатига, яъни нечта ва қандай машқ бажариш масаласига алоҳида эътибор берилади.

Машқ қилиш чоғида ўқувчи ўзлаштираётган кўникма муаллим назорати остида бўлади, Назорат қилишнинг энг тежалиш усули тест ўтказишдир.

Қўллаш даврида ахборот алмашиш (яъни малака ҳосил қилиш) машқлари бажарилади. Ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма фикр алмашишлари жараёнида қўллаш методи қўл келади. Олдин ўрганилган материал энди ахборот йетказишлар олиш мақсадига бўйсундирилади.

Методлар фаолият кўрсаткичи, ўз навбатида методик ҳаракат-лар орқали амалиётда ишлатилади. Масалан: лексиканинг маъносини таржимасиз очиш усули, матндан ахборот олиш усули, грамматик бирликни лексик ўргатиш усули, талаффузни тақлид йўли билан ўргатиш ва ҳоказо. Аниқ усуллар мажмуаси жараён методини ташкил этади.[7] Методик усул ўқув материални ўрганишда яққол кўриниб турадиган ҳаракатни билдиради.

Методик адабиётларда методларни намойиш этиш, тушунтириш ва машқ" номлари билан бериш ёки методлар йеттигагача ҳоллари учрайди, Қандай номлар ёки улар нечта бўлишдан қат`ий назар методлар таништириш, кўникма ҳосил қилиш ва малака беришга йўналтирилган.

Таълим босқичларидаги самарадорликни ошириш билан бир қаторда, ўқувчининг инглиз тилида гапириш, тинглаб тушиниш, ўқиш ва ёзиш малакаларини мустаҳкам эгаллаш муҳимдир. чет тилда нутқий фаолият олиб бориш, ўрганилаётган тил соҳиблари маданиятига оид барча кўникмаларни ўзлаштириш билан амалга оширилади. Ушбу кўникмалар инглиз тилидан товушлардан тортиб, унинг маданиятини акс эттирувчи барча тушунчаларни қамраб олади. Таълим муассасаларида бунга эришишнинг энг самарали усули, чет тил таълими жараёнига коммуникатив- кумулятив методни тадбиқ қилиш билан амалга оширилиши мақсадга мувофиқ.

Чет тил ўқитиш тарихида қўлланилган методлар таҳлили шуни кўрсатадики, [8]XX асрнинг иккинчи ярми ва XXI аср бошларигача таълим муассасаларида чет тил ўқитишда онгли - қиёсий методдан фойдаланиб келинган. Мазкур метод орқали тил ўргатилганда дидактик онглилик принциpidан келиб чиқиб, она тилига таяниб ўргатиш, қиёслаш ва нутқ фаолияти турлариникомплекс ўргатиш каби принципларга амал қилинган. Бу методда чет тилларни ўқитишнинг амалий, таълимий, тарбиявий мақсадлари ишлаб чиқилган. Тил ўрганувчи қоидаларёдлаш билан банд бўлиб, ўрганилган мавзунини мустаҳкамлаш ва гапириш билан умуман шуғулланмаган.

Бугунги кунда инглиз тилини ўқитишда замонавийлаштирилган ва янгиланган методлардан фойдаланиш давр талабидир. Ҳусусан, ушбу мақолада турли таълим муассасаларида чет тилини ўқитишда коммуникатив-кумулятив методни амалиётга тадбиқ қилиш назарда тутилади. Коммуникатив компетенция негизида мазкур методнинг чет тил ўргатишда инobatга олиниши, ўқувчининг ўзи яшаётган мамлакат мадасиятини чуқур билиши орқали тили иўрганилаётган мамлакатлар маданиятини ўрганиш ва натижада ўз мамлакатини маданиятини ўзга маданиятлар билан таққослай олиш имкониятини яратади.

Инглиз тилини ўргатиш жараёнида ўқувчиларда маданиятлараро мулоқотни шакллантириш орқали коммуникатив компетенцияни эгаллашларига эришилади.

Коммуникатив-кумулятив метод Европа мамлакатлари, Буюк Британия ва Шимолий Ирландия бирлашган қироллиги ва инглиз тилини асосий тил сифатида сўзлашувчи мамлакатлар АҚШ, Канада, Австралия ва Янги Зеландияларда кенг

тадбиқ қилинган бўлиб, инглиз тилини белгиланган талаблар асосида ўргатишга мақбулдир. Бу метод асосан чет тил ўқитиш методикасида замонавий фан тармоқлари бўлган линвокультурология, концептология ҳамда когнитология фанларининг сўнгги ютуқларига кўра вужудга келган. Бу методга биноан ўқитишнинг ўзига хос технологияларини танлаш ҳамда уларни инглиз тили дарсида қўллаш бугунги кунда маъқул ҳисобланади.

Инглиз тилини ўқитиш она тили ва иккинчи тил (рус тили) дан кескин фарқ қиклади. Таълимнинг ушбу босқичида асосан чет тил ўқув предмети ўқитиш мазмуни, нутқ мавзулари, кўникма, малакаларга қўйиладиган талабларга ҳамда тил материалларини инобатга олган тарзда ўқитилади. Уссу мақолада, инглиз тилини ўқитишнинг линводидакик, лингвопсихологик ва психоллингвистик аспекти инобатга олинган.

Чет тил ўқитиш методикаси нуқтаи назаридан ушбу методик ёндашувга биноан яратилиши режалаштирилаётган ўқитишниунг самарали методикалари, келажакда вояга етаётган баркамол авлодни инглиз тилида эркин суҳбатлаша оладиган, ўз малакати ҳақидаги фикрларни мустақил баён қила оладиган комил инсонни етишиб чиқишига ҳисса қўшади. Шунинг учун, ушбу мавзу доирасидаги ишлар катта илмий- амалий аҳамиятга эга.

Умуман олганда XIX асрнинг тўртинчи чорагигача чет тил тражима методи орқали ўргатилган.[1] Европа чет тил ўқитиш методикасининг реформаси бўлгандан сўнг тўғри метод ишлаб чиқилди. Шу даврдан бошлаб, ҳар қандай чет тилда нутқ фаолияти ўргатила бошланди. Бунинг натижасида кўплаб янги методлар тавсия этилди. Замонавийлаштирилган онгли-қиёсий методдан Россияда фойдаланилган. Кейинчалик аудиолингвал метод АҚШ мутахассислари томонидан оммалашди. Аудиовизуал метод Францияд тарқалди. Бугунги кунда оммалашган коммуникатив методлар Буюк Британияда қўлланилмоқда.

Муаллимлар аудиолингвал методнинг бир қанча ижобий хоссаларини мактаб тажрибасидан биладилар. Чунончи, нутқ намуналарининг тил ўргатиш бирлиги даражасига қўланилиши, оғзаки нутқнинг илгарилаши, оғзаки нутқнинг материалда ўқиш ва ёзувнинг ўргатилиши V-VII синфларда тегишли ўзгаришлар билан қабул қилинган.

Аудиолингвал методдан қатор жиҳатлари билан фарқ қиладиган аудиовизуал метод номоёндлари (P.Guberina, P.Rivan) методик кўрсатмаларига биноан, лексик материални анъаналарига алоҳида эътибор берилган. Хаётий мавзуларда эркин фикр юритиш учун 1500 сўз танланган, турли техникавий воситаларга таълим жараёнида катта ўрин берилади.

Иккала методнинг умумийлигидан ташқари тафовутлари ҳам бор. Масалан, аудиовизуал методда оғзаки нутқ, ёзув ва охириги навбатда ўқиш ўргатилади. Ўқиш ёзувдан кейин ўргатилади, Бизнинг мактабларда ушбу методларидан ижобий фойдаланилади.[2] Ўрта мактабда биринчи йиллари чет тили ўқитишда ёзув ўқишдан олдин, кейинчалик эса ўқиш ёзувдан олдин ва юқори синфларда ўқиш барча нутқ фаолияти турларидан олдин ўргатилади.Тўғри методларнинг репродуктив ва рецептив таризда чет тил ўргатиш методлари ҳам методика тарихида сезиларли из қолдирган.

Ҳозирда коммуникатив метод ўрб мамлакатларида ёндашув тарзида талқин этилмоқда,. Ушбу ёндашувга асосланиб, иккита метод (коммуникатив- когнитив ва коммуникатив-кумулятив) амлиётга тадбиқ этилмоқда.

Коммуникатив-когнитив метод[9] деганда чэт тилда мулоқот туфайли умумий билим олиш назарда тутилади. Коммуникатив-кумулятив метод билан чэт тил ўқитилганда мулоқот чоғида тили ўрганилаётган малакат (халқ) маданиятидан ўрганувчиларни воқиф этиш мақсад қилиб қўйилади. Бинобарин, коммуникатив термини мазмун моҳияти тилда мулоқот юритиш (гапириш, тингглаб тушиниш, ўқиш, ёзув) ни акс эттиради. Бироқ, мулоқот мавзусига кўра ккумулятив характерга эга бўлган халқ маданиятига оид маълумотлар ўзлаштирилади.

Ушбу методни ўқувчиларга тақдим этиладиган тил материали нуқтаи назаридан қуйидаги матнлар мисолида илмий таҳлил этиш мумкин:

1. "There are three countries in Great Britain: England, Scotland and Wales. But the United Kingdom has four parts: England, Scotland, Wales and Northern Ireland. To the north and east of the UK is the North Sea. To the west and south is the Atlantic ocean".

Юқорида келтирилган мисол, тили ўрганилаётган мамлакат ҳақида "маълумот берувчи" матн бўлиб, бу турдаги матнлар тил ўрганувчига мамлакат ҳаёти ҳақида дастлабки тушунча уйғотиш мақсадида тақдим этилади.

2. "People in Scotland like traditional village life. They are very warm and friendly. Children and grown ups shake hands when they meet friends or relatives. Young men and women clasp hands with their friends at parties. Some chiefs use the back of the hand to show they are important".

Ушбу мазмундаги матнлар эса тили ўрганилаётган мамлакат ҳаёт тарзини ифодаловчи матн ҳисобланади. Бу турдаги матнлар негизида тили ўрганилаётган мамлакат ҳаётининг бирламчи лавҳалари акс эттирилади.

Бундай матнларни танлаш ва дарс жараёнида қўллаш умумий характерга эга маданият акс этган лавҳавий жараён ҳисобланади.

Яна бир мисол:

In Uzbekistan men and women greet each other in different ways: they shake hands or kiss each other. In Europe if men and women are friends they kiss each other.

In England it is usually one kiss, in France two and in Poland three!. Eskimos say hello by touching their noses. Maoris in New Zealand do this too.

In Uzbekistan we nod and say "Yes" or shake our heads and say "No". In English and American people nod and shake their heads. Sometimes they say "Yes" or "No" too. But Bulgarian and Greek people shake their heads for "Yes" and nod for "No".

Бу мазмундаги матнлар эса бевосита таққослаш жараёнида тил ва малакатлар маданиятини ўрганиш назарда тутилади. Ана шундай матнлар коммуникатив-кумулятив методидан самарали фойдаланишдан намунадир.

Ҳар қандай нутқни эгаллашнинг иккита томони мавжуд. Идрок этиб тушиниш (рецептив нутқ-тинглаб тушиниш ва ўқиб тушиниш), ўз фикрини оғзаки ва ёзма баён этиш (репродуктив нутқ-гапириш ва ёзув) дан иборат. Демак, рецепиент-ўзга шахс нутқини идрок этиб тушинувчи, продуциент- ўз фикрини тилда оғзаки ва ёзма баён этувчи шахс тушинилади. Шундан маълум бўладики, ўқувчи чэт тилда нутқ фаолиятининг асосий турларида мулоқот юритади. Мулоқот объекти эса, тили ўрганилаётган халқнинг маданиятига оид маълумотларни қамраб олади. Айнан чэт тил ўқув предметини ўргатиш жараёнида тили ўрганилаётган мамлакатлар маданиятини акс эттирувчи иллюстратив материаллар (предмет ва сюжетли расмлар, ашуллалар, инглизча исмлар, ҳайкалтарошлик намуналри, жой номлари, кўҳна тарихий ёдгорликлар, кинофилмлар, мода, овқатлар, озиқ-овқатлар, об-

ҳаво ва бошқалар) ни инобатга олиш мақсадга мувофиқ. Нутқда қўлланиладиган тил ҳодисалари актив ва пассив тарзда эгалланади. Нутқнинг содир этилиши гапириш ва ёзув орқали амлга оширилади. Бу жараёнда ўзлаштирилган тил материали актив дейилади. Идрок этиш жараёнида ўзлаштирилган тил материални пассив деб атаймиз.

У қуйидаги омилларни ўз ичига олади:

- Чет тил ўргатиш аввал оғзаки нутққа ўргатишдан бошланмоғи зарур;
- Тил ўрганиш турли структуралар, нутқ наъмуналари асосида амалга оширилади;
- Машқлар ҳам тилга асосланган ҳолда тил материални кўп марта такрорлашни талаб қилувчи машқлар бўлиши кераклигини тақозо этади;
- Грамманик намуналар ва лексикани танлаш чет тили билан она тилини қиёслашнинг натижаларига боғлиқ бўлиши керак.
- Талаффузга катта эътибор талаб этилади.

Чет-тил ўқитишни интенсифлаштириш масаласи юзасидан мамлакатимизда ва чет элларда анча ишлар қилинди ва қилинмоқда. Булар янги интенсиф методларни юзага келишига сабаб бўлди. Хўш, интенсиф метод ўзи нима? Уни қандай тушиниш мумкин?

Интенсиф ўқитиш деган, сўзнинг биримч маъноси бу- қисқа вақт ичида ўқувчиларни ўрганилаётган чет тилида нутқ фаолиятини амалга оширишга, яъни гапиришга ўргатишдир. Бу асосан ўқувчиларнинг ички психологик имкониятларига ва хотира заҳирасига таянган ҳолда амалга оширилади. (Леонтев А. А. Китайгородская). Демак, интенсиф метод (ёки интенсиф) ўқитишнинг қуйидаги икки ҳарактерли хусусиятини кўрсатиш мумкин:

Қисқа вақт ичида маълум ҳажмдаги ўқув материални органиш ва шунга мос чет тилидаги нутқий фаолиятни амалга ошириш;

Шахс хотирасининг барча заҳираларидан (психологик имкониятларидан) максимал даражада фойдаланиш яъни ўқувчиларнинг фаоллигини ошириш.

Кейинги йилларда дарс жараёнида ўқувчилар фаоллигини ошириш юзасидан кўп ишлар қилиш зарурлиги тақозо этилмоқда.

Талаба шахси хотирасининг ички имкониятларидан фойдаланган ҳолда уларнинг дарсдаги фаоллигини оширишда нутқий мулоқот муҳитини шакллантириш энг муҳим вазифалардан бири. Ўқитувчи томонидан қўлланилаётган усуллар ва турли кўргазмали қуроллар шу мақсадга йўналтирилмоғи лозим. Нутқий мулоқотга йўналтирилган психологик вазият ўқувчиларнинг фаоллигини оширишдаги зарурий вазифалардан биридир. Таниқли методист олимлардан бири Е.И.Пассовнинг айтишича ҳозирги вақтдаги чет тил ўқитишда амалда қўлланилаётган коммуникатив ёндашиш нутқий вазиятларга асосланган тезкор (интенсиве) ўқитишнинг бир кўринишидир.

Олимлардан Л.Ш. Гегечкори ва А.А. Леонтев эътироф қилишларича Лозанов методикаси ёқоридагиларни ўз ичига олади:

- 1) кўп сонли нутқ бирликларини ўрганишда;
- 2) ўқувчиларни чет тил нутқ жараёнида тил, луғат бойлигини ишлатишни, ўрганилган нутқ бирлигини бошқа бир ситуацияда қўллаш малакаларини ҳосил қилишда;
- 3) ўқишга ўрганишда юқори мотивацияни ҳосил қилишда;
- 4) психологик тўсиқлар бўлиши (уятчангликни, кўрқинчни, одамовиликни) олиб ташлашда жуда яхши натижалар беради.

Бундай қараш кишининг шахсий фикрлаши қандайдир тил бирликларининг мажмуасидан келиб чиқмайди деган қарашга асосланади. Бу методдаги асосий восита - коммуникатив вазифалар системасида. Бу метод бўйича ўқитиш 3 шаклга (даврга) бўлинади:

а) Ҳаётда энг кўп учрайдиган ситуациялар асосида гапиришга ўрганиш. грамматика органилмайди, уй вазифаси ҳам йўқ. Бу давр охирига келиб 1200-1400 лексик бирликни ўз ичига олган ўқув матнларини ўқиш мумкин.

б) Бирор касб-корга таълуқли нутқий жараёнга ўтиш. Манологик нутқ ҳар томонлама кенг ривожланади. Аста-секин таржима асарларидан кўчирма олиш (реферирование) ёзув ва граматика ўрганишга ўтилади. Илмий - сиссий ҳарактерга эга бўлган матнлардан фойдаланиб, касбга таълуқли муаммоли ситуациялардан ташкил топган турли ўйинлар асосида чет тил ўргатиш.

д) Нутқ тобора маълум касб бўйича шакллантирилади борилади. Махсус матнлар, ишга таълуқли ҳужжатлар, касб бўйича хат ёзишувлар ўқув материални ташкил қилади.

Айрим ўқитувчилар ҳозиргача таржима методлари усулларидан ноўрин фойдаланишмоқда. Масалан: матнни оғзаки таржима қилиш ғайри методик усулдир. Матннинг айрим жумлалари ёки бир-икки бўлагини муайян мақсадда таржима қилиш ман этилмайди. Луғатдан фойдаланиб, янги сўзларнинг маъноларини очиш мақсадида таржима қилишга мўлжалланган кичик матнлар берилиши мумкин, Бу ерда матнни таржима қилишдан кўзланадиган муддао луғатдан фойдаланишни ўргатиш ҳисобланади. Бироқ, матнни айнан таржима қилдириб бориш фақтгина "таржимонлик" мутахассислигига йўналтирилган таълим муассасалари учун тавсия этилади.

Шу ўринда алоҳида таъкидлайдиган бўлсак, она тили, иккинчи тил ва чет тил ўргатиш жараёни турлича бўлади. Биринчидан, она тилида тафаккур шаклланади, ўзга тилларни ўрганиш, улардаги фонетика, лексика, грамматикага хос хусусиятларни ҳис этиш билан боғлиқдир. Иккинчидан, ўрганиш тартиби она тилидан бошлаб, ундан кейин иккинчи тил ва ниҳоят чет тилга ўтилади. Учинчидан, она тили ва иккинчи тил табиий вазиятда, чет тил эса сунъий муҳитда ўрганилади. чет тилдаги мулоқот, асосан, дарсда муаллим раҳбарлигида кечади. Қайд этилган муҳокамадан аён бўладиги, уччала тил опрасида чет тилни ўрганиш ўргатиш муайян жиҳатлари билан кескин фарқланади. Бу эса, ўз навбатида тегишли чет тил ўқитиш технологияларини қўллашни тақозо этади.[10]

Хулоса ўрнида қуйидагиларни алоҳида таъкидлаш мақсадга мувофиқдир:

1. Инглиз тилини самарали ўқитишда лингводидактик категориялар (таълим шароити, таълим мақсади, таълим мазмуни, методлари ва восталари) инобатга олинади ва уларни тўғри танлаш ва амалиётда қўллаш аҳамиятли жараён ҳисобланади;

2. чет тил ўқитишда, ўқувчилар томонидан ўзлаштириладиган материалларга коммуникатив-кумулятив методни тадбиқ қилиниши, инглиз тилини ўрганишда келиб чиққан интерференсия ҳодисасини бартараф этишга асос бўлади;

3. Коммуникатив-кумулятив методга асосланиб, мамлакатимиз ва чет тил ўқитиш методикасидаги мавжуд тажрибаларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш таълим муассасаларида инглиз тилини ўқитишнинг назарий асосларини ишлаб чиқишга замин яратади;

4. Ўқувчиларга инглиз тилини ўқитишда грамматик минимумларни ўргатиш,

қоида бермасдан, дискурса, турли диалогик ва монологик нутқда амалга оширилиши алоҳида аҳамият касб этади;

5. Коммуникатив-кумулятив метод бўйича инглиз тилини ўргатишда, лексик бирликлар тили ўрганилаётган мамлакатларнинг маданий стереотипларига хос бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Адабиётлар:

1. Баженова И.С. Культура невербального общения на уроке иностранного языка //ИЯШ, 1996. - №6. - С. 19-27.
2. Вежбицкая А. Язык, культура и познание. - Москва: Русские словари, 1997. - 410 с.
3. Гудков Д.Б. Межкультурная коммуникация: проблемы обучения. - Москва: МГУ, 2000. - 120 с.
4. Жалолов Ж.Ж. Инглиз тили ўқитиш қиёсий методикаси: Магистратура учун ўқув дастури. - Тошкент: ТДПУ, 2008. - 8 б.
5. Жалолов Ж.Ж. Махсус фанларни ўқитиш методикаси: Магистратура учун ўқув дастури. - Тошкент: ТДПУ, 2008. - 8 б.
6. Жалолов Ж.Ж. Чет тил воситасида маданиятлараро мулоқотни ўргатиш ёки коммуникатив-кумулятив методика хусусида // Маданиятлараро мулоқот: назария ва амалиёт (Республика илмий-амалий конференцияси материаллари). -Тошкент: ТДПУ, 2008. -Б. 124-127.
7. Кабакчи В.В. Практика англоязычной межкультурной коммуникации. - Москва: 2007. - 480 с.
8. Концепция коммуникативного обучения иноязычной культуре в средней школе/ С.С. Артемьева и др.: Под ред. Е.И. Пассова, В.Б. Царьковой. - Москва: Просвещение, 1993. - 127 с.
9. Щепилова А.В. Коммуникативно-когнитивный подход к обучению французскому языку как второму иностранному. - Москва: ГОМЦ "Школьная книга", 2003. - 488 с.
10. Berns M. Contexts of competence: social and cultural considerations in communicative language teaching. - New York: Plenum, 1990. - 185 p. 20. Byram M., Morgan C. Teaching-and-learning language-and-culture. Clevedon, Philadelphia, Adelaide: Multicultural Matters Ltd., 1994. - 219 p.

**СЎЗ САНЪАТИ
ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ**

**МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ
ИСКУССТВО СЛОВА**

**INTERNATIONAL JOURNAL
OF WORD ART**

№5 (2019)

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амир Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000